

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси 2022 йил март ойининг 17 куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Х.Шамшиев

ҳайъат судьялари: К.Мирсафаев ва Н.Касимовадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Раҳимованинг котибалигида, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, судланувчи Б.Парпиев ва унинг ҳимоячиси Р.Норбобаевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра,

Парпиев Баҳром Абдувосиқ ўғли 2000 йил 18 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, буйдоқ, ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 16 июлдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 11 ой 21 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ўталмаган жазо муддати 11 ой 7 кунни ташкил этади, Олмазор тумани, Бешқўрғон берк кўчаси, 12-уй, 31-хонадонда яшаган, 2021 йил 10 сентябрдан қамокда сақланаётганга

нисбатан судланувчи Б.Парпиев томонидан киритилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Б.Парпиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилиб, унинг ҳаракатларида ушбу моддада назарда тутилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқланган. Б.Парпиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди ва ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси



тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида бир неча ҳукм юзасидан жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 16 июлдаги ҳукмига кўра тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Мазкур жиноят иши бўйича М.Тухтахўжаев ҳам судланган бўлиб, ҳукмнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Тухтахўжаев ва Б.Парпиев олдиндан тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2021 йил 10 сентябрь куни соат 13:30да Шайхонтоҳур тумани, “Кох-ота” маҳалласи, 66-уй олдидаги “Кох-ота” масжиди яқинида фуқароларнинг жума намозини адо этиш учун келиб, автомашиналарини қаровсиз қолдирганидан фойдаланиб, фуқаро Э.Джалиловнинг 01 O123QA давлат рақамли “Спарк” русумли автомашинаси ўнг олд эшиги кулфини номаълум жисм билан очиб, автомашинанинг чап эшигида бўлган 3.000.000 сўмлик “Samsung A31” русумли телефон аппаратини ўғрилиқ йўли билан қўлга киритишган.

Бундан ташқари, М.Тухтахўжаев ва Б.Парпиевлар ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2021 йил 10 сентябрь куни соат 13:35да Шайхонтоҳур тумани, “Кох-ота” маҳалласи, 66-уй олдидаги “Кох-ота” масжиди яқинида фуқароларнинг жума намозини адо этиш учун келиб, автомашиналарини қаровсиз қолдирганидан фойдаланиб, фуқаро Ж.Хашимовнинг 01 Q 201 NA давлат рақамли “Ласетти” русумли автомашинаси ўнг олд эшигини номаълум жисм билан очиб, автомашинанинг саломида бўлган Ж.Хашимовга тегишли бир дона қора рангли барсетка, унинг ичидаги жами 35.000.000 сўм миқдоридagi пуллар, калитлар, сариқ рангли ўлчагич, “Touch” номли эркаклар атири, “Orent Finans bank” томонидан берилган пластик карточка, қора рангли кўзойнак, кўзойнак ғилофи, шунингдек ушбу автомашина саломида бўлган фуқаро А.Салиховга тегишли яшил рангли барсетка, унинг ичидаги 4.700.000 сўм ҳамда 500 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар, ҳайдовчилик гувоҳномаси, талон ва фуқаролик паспортини ўғрилиқ йўли билан қўлга киритганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Судланувчи Б.Парпиев апелляция шикоятда, айби далиллар билан асослантирилмағналиги, содир этилган қилмишда моддий манфаатдор бўлмаганлигини билдириб ишни қата кўриб чиқишни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича судья Н.Касимованинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Б.Парпиев ва унинг ҳимоячиси Р.Норбобаевнинг шикоятни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, шикоятларда келтирилган важларни



жиноят иши ҳужжатлари билан атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини Б.Парпиевга оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибда баҳоланган далиллар билан асослангилган.

Б.Парпиевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, жабрланувчиларнинг аризаси, ашёвий далилни олиш, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадвал, жиноят содир этилаётган жой ва вақт туширилган видеотасвир, уларни кўздан кечириш баённомалари, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, гувоҳларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Б.Парпиевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди ва ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган ҳолда унга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг тушунтиришларига риоя қилиб, жиноят иши бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, адолатли жазо тайинлаган.

Бундай ҳолда, апелляция инстанцияси суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли келтирилган шикоятларни қаноатлангилмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶, 497³¹- моддаларини кўллаб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 10 февралдаги ҳукмининг Парпиев Баҳром Абдувосиқ ўғлига оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлангилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо)

Х.Шамшиев

Ҳайъат судьялари: (имзо)

К.Мирсафаев

(имзо)

Н.Касимова

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

